



Россия, Белорусия ва Қозоғистон ўртасидаги Божхона Иттифоқи замирида ягона иқтисодий маконни яратишга қаратилган интеграциянинг кейинги босқичи бўлган Овпроосиё Иттифоқини ташкил қилиш ҳаракатлари ортидан Россиянинг миграция масалалари ва чет элликларга таълуқли ички қонунчилигида ҳам бир



муҳожирлари саналадиган миллионлаб ўзбекистонликларни қисқа муддат ичида ҳорижий паспортлар билан таъминлаш имкони йўқ. Чунки ўзбекистондаги бюрократия шароитида бу жараён бир неча йилларга чўзилиб кетиши мумкин.

Иккинчидан, меҳнат муҳожирларининг йилига Россиядан

ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИ 2015 ЙИЛДАН БОШЛАБ ҲОРИЖИЙ ПАСПОРТСИЗ РОССИЯГА КИРИТИЛМАСЛИГИ МУМКИН

қанча ўзгаришлар кузатилмоқда. Бу биринчи навбатда, ташкил қилинадиган янги интеграциявий тузилма аъзолари ўртасида махсус имтиёзлар режимини яратиш ва тузилма ташқарисидagi давлатлар учун эса аввалдан берилган имтиёзларни бекор қилишга қаратилган ўзгаришлардан иборатдир.

Хусусан, Россия Бош вазири Дмитрий Медведев Тожикистон фуқаролик паспорти билан Россия Федерацияси ҳудудига киришни таъқиқлашни назарда тутувчи 2014 йил 17 июнь куни билан рўйхатга олинган Қарорга имзо чекди. Эндиликда Тожикистон фуқаролари Россия ҳудудига фақат ҳорижий паспорт (ҳорижга чиқиш учун бериладиган махсус паспорт), хизмат ва дипломатик паспорт ёки Тожикистон Республикасига қайтиб кетишини тасдиқловчи гувоҳнома билан биргаликда денгизчи паспорти билангина киришлари мумкин.

Ассосийси, ҳужжат мазмунига кўра Бош вазир ҳукуматга Божхона Иттифоқи ва ягона иқтисодий макон иштирокчиларидан ташқари барча МДҲга аъзо давлатлар билан ўз фуқароларини Россия ҳудудига кира олишлари учун 2015 йилга қадар ҳорижий паспортлар билан таъминлашлари тўғрисида музокаралар оли бориш топширилди. Бундан ташқари Россия билан умумий чегарага эга бўлмаган давлатлар фуқароларининг Россия ҳудудига Божхона Иттифоқи аъзолари бўлган Қозоғистон ва Белорусия

орқали ҳорижий паспортларсиз кириб келишларининг олдини олиш мақсадида Иттифоқ аъзолари билан ҳам музокаралар ўтказиш белгиланди.

Маълумки Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун ҳорижий паспорт тизими жорий қилинмаган. Ҳали янги биометрик паспорт тизимига ўтиш жараёни тугалланмаган Ўзбекистон учун 2015 йилга қадар ўз фуқароларини ҳорижий паспортлар билан таъминлай олиши эса жуда мураккаб масала ҳисобланади. Бироқ, Ўзбекистон ўз фуқароларидан ҳорижга чиқиш учун паспортга ёпиштириладиган махсус стикер (ОВИР) талаб қилувчи дунёдаги иккита давлатнинг биттасидир. Шундан келиб чиқиб, яқин келажақдаги бўлиб ўтилиши кутилаётган Ўзбекистон-Россия музокараларида ўзбекистонлик муҳожирларнинг Россия ҳудудига киришлари учун ҳорижий паспорт ўрнига ҳорижга чиқиш стикери жорий қилиниши мумкинлиги ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Нима бўлганда ҳам бу, Ўзбекистон ҳукумати учун ҳорижий паспорт тизимини жорий қилишдан кўра анча осонроқ ва кам чиқимли бир жараён саналади. Агар белгиланган муддатда Россия ҳукумати Божхона Иттифоқига аъзо бўлмаган барча МДҲ давлатлари учун ҳорижий паспортсиз мамлакат ҳудудига киришни таъқиқлаб қўядиган бўлса Ўзбекистон йирик муаммолар гирдобидан қолиши мумкин.

Биринчидан, юқорида таъкидланганидек Россияда меҳнат

Ўзбекистонга 6-7 млрд. доллар миқдоридagi пул юборишини ва бу Ўзбекистон ЯИМнинг деярли 10%ни ташкил қилиши инobatга олинса юқоридаги тартиб жорий қилиниши Ўзбекистон аҳолисининг турмуш даражасини янада оғирлаштириши мумкин.

Учинчидан, меҳнат муҳожирларига ҳорижий паспортлар бериш жараёнининг узоқ муддатга чўзилиб кетиши эса мамлакат ичқарисида кўп сонли ишсиз бўлган ишга яроқлилар армиясини вужудга келтиради. Бу эса Ўзбекистондаги ижтимоий кескинликларга сабаб бўлиши ва куч билан таъминлаб турилган барқарорликнинг издан чиқишига олиб келиши мумкин.

Тўртинчидан, йиллар мобайнидан ҳорижий паспортларсиз Россияда меҳнат қилаётган ўзбекистонликларнинг ўз вақтида ортга қайтмасликлари ёки ҳорижий паспортларсиз ноқонуний йўлар билан Россия ҳудудига кириб олишлари натижасида Россияда ноқонуний муҳожирлар сонининг ортишига олиб келади. Уз навбатида Ўзбекистонга депортация қилинувчилар сони ҳам кескин равишда ортишига олиб келиши мумкин.

Бешинчидан, Россияга чиқувчиларни ёппасига ҳорижий паспортлар билан таъминлашнинг имконсизлиги сабабли ҳорижий паспорт талаб қилмайдиган бошқа давлатларга чиқувчи меҳнат муҳожирлари сонининг кескин ортишига олиб келиши мумкин.

ЎХХ ахборот бўлими

Муборак Рамазон ойи қутлуғ бўлсин!

Хурматли ва муҳтарам мўмин мусулмон биродарлар! Барчанингизни кириб келган Муборак Рамазон — гуноҳлар магфират қилинадиган, раҳм-шафқат кўрсатиладиган, қадрли ва ганимат ой билан чин дилдан муборакбод этамиз. Ушбу муқаддас ойда ҳаммамизга Аллоҳнинг раҳмати ва магфирати ҳамда дўзахдан қутулиш имконияти насиб этсин. Жумлаи мусулмон аҳлига рўзаларини тутишда ва таровиҳ намозларини ўқишда Аллоҳ таоло муваффақиятлар ато этсин. Раббимиз бу ойда қиладиган ҳамма дуоларимизни қабул айлаб кенг фазли ила раҳматидан ёғдирсин.

Рамазон ойи қутлуғ бўлсин азизлар!

ЎХХ ахборот бўлими



МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН

Рамазон ойида бутун ер юзига Аллоҳнинг баракоти ёғилиб туришига қарамай, ихтиёрий оч юришнинг, яъни рўза тутишнинг ҳикмати Аллоҳга бандаликни изҳор қилиш, оч-ночорларнинг аҳволини англаб етиш, ҳавойи нафсни синдириш, шайтонга қаҳр кўрсатишдир. Рамазонда рўза тутишдан мурод нафсни жиловлаш, унинг истакларини бажаришдан тийилиш, сабр, қаноат, итоат орқали Аллоҳ таолонинг розилигини топиш, Унинг ажру мукофотларига сазовор бўлишдир. Рамазон рўзасини тутиш тош қотган қалбларни эритиш, муҳтожлар кўнглини олиш, саховат ва ҳимматни янада кучайтириш, худбинлик, жохилликни тарк этиб, унинг ўрнини меҳр, тавозеъ ва ҳалимликка бўшатиб бериш, демакдир. Рўза тутишдан мурод нафсни тарбиялаш, очлик ва ташналикка чидаш, шу йўл билан буюк Парвардигорга бандаликни изҳор этишдир.

Аммо ифторликларимизга ва сахарликларимизга бир назар солинг: нафсни жиловлашни эмас, унинг бошвоғини тўла қўйиб юборишни, қаноат ва ҳоксорликни эмас, исрофгарчилик, сабрсизлик ва фаҳрни кўрасиз. Аждодлар ифторлик ва сахарликда кўпинча бир бурда нон, бир ҳовуч хурмо ва бир-икки пиёла сув билан қаноатлангани ҳолда уларнинг авлодлари бугун маишатбозликда, кўп ва хўб истеъмол қилишда, етти-сақкиз хил таом ейишда бир-бирлари билан мусобақага киришган. Илгари мен Рамазонда фалон кило озибман, деб қувониб юрганларнинг фарзандлари рўзадан қорин қўйиб, савлатдор бўлиб

Нафсни жиловлаш ўрнига...

чикишяпти.

Ифторлик, сахарлик дастурхонларимизни кўрган одам рўза тутганимизга мутлақо ишонмайди. Кўпинча ифторликка бир-биридан мазали тўрт-беш хил иссиқ таом, турфа салатлар, бир неча хил пиширилган, канд-курс, писта-бодом, анвойи мева-чевалар (ҳатто банан, ананас, пўртахол, киви каби хориждан келтирилганлари ҳам бор) тортилаётгани ҳам сир эмас. Таклиф қилган одамларимиз кўпلىгидан ифторликларимиз уй-хонадонга сиғмай, ресторан ва тўйхоналарга кўчмоқда. Кун бўйи оч-наҳор юрган одамнинг кечга бориб бирданига шунча нарсани қоринга жойлаши қанчалар зарар келтириши ҳақида бир ўйлаб кўринг.

Кундузи емаганларимизнинг, ичмаганларимизнинг ҳиссасини кечга бориб бир неча баробар қилиб чиқариб юбориш рўза тутишнинг ҳикмати ва моҳиятига мос келармикин? Ахир, нафсни жиловлаш, уни тарбиялаш фақат оғиз берклигида эмас, оғиз очар пайтию сахарликда ҳам давом этиши керак-ку!

Шундай улуғ-фазилатли ойда айрим мусулмонларнинг (ҳа, айнан мусулмонларнинг!) бемалол ароқ ичиб юришганига, майхўрликларини тўхтатмаганига нима дейсиз? Туғилган кун, гап ейиш ва бошқа маросимларни “ифторлик” номи билан ўтказилаётганига, уларда ифторлик дастурхонига “шайтон суви” ҳам тортилаётганига ҳам нима дейсиз? Имомлардан бирининг ҳикоясига қараганда, пойтахтдаги бир хонадонда фарзандларининг туғилган кун муносабати билан уюштирилган зиёфатга “ифторлик” номи билан одамларни таклиф этишибди.

Маҳаллани алоҳида, улфат ва ҳамкасбларни алоҳида дастурхонга ўтказишибди. Кейингиларига чойнақларда ароқ тортилибди. Покиза ифтор дастурхонида ҳаром ароқнинг айланишини нима деб номлашга сўз ҳам тополмадик.

Бехзод АБДУРРАШИД



ЎзААА: МТС борасида ҳукумат ҳеч қандай қарор қабул қилгани йўқ

Бир неча кун ичида кўпгина россия ахборот агентликлари тез кунларда Ўзбекистонда россия уяли оператори МТС ўз ишини қайта бошлаши ҳақида хабар беришди.

Хусусан, РБК агентлиги Интерфакс берган маълумотга таянган ҳолда Ўзбекистон ҳукуматининг россия уяли оператори — «Мобильные ТелеСистемы» (МТС) ОАЖ га мамлакатда фаолиятини қайта бошлаши учун рухсат берганлиги ҳақида ёзди.

Бирок, Ўзбекистондаги маҳаллий ОАВнинг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигидаги (ЎзААА) ўз манбаларига таяниб тарқатган хабарларига кўра ҳали бу масалада ҳеч қандай аниқ бир қарор қабул қилинганча йўқ.

«Ҳукумат МТС борасида ҳукумат ҳеч қандай қарор қабул қилгани йўқ», — дея билдирган ЎзААА вакили.

ЎХХ ахборот бўлими

Ўзбек автомобилларининг Россиядаги савдоси 12%га пасайди

2014 йилнинг январь-май ойларида Россия бозорида GM Uzbekistan корхонасида ишлаб чиқарилган 20888 та автомобил сотилди, деб ёзади 12news.uz.

Европа бизнеси уюшмаси авто ишлаб чиқарувчилар Кўмитаси маълумотларига кўра ушбу кўрсаткич ўтган 2013 йилнинг айна даврига нисбатан 12% га камдир.

“Узавтосаноат” компанияси экспертларининг тахминларига кўра жорий йилда GM Uzbekistan автомобил ишлаб чиқариш ҳажмини 250 мингтагача оширади. Ўтган йили корхона 246641 та автомобил ишлаб чиқарган.

Бу йили дастлабки маълумотларга кўра ўсиш суратлари 2%ни ташкил қилади. Ўз навбатида сўнги беш йил мобайнида енгил автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажми 13%га ошган.

Бугунги кунда GM Uzbekistan — Damas, Nexia, Matiz, Gentra, Spark, Kaptiva, Malibu, Cobalt, Orlando дан иборат 9 турдаги автомобиллар ишлаб чиқармоқда.

UZBEK.FM



Ўзбекистонда 2013 йилда апелляция ва кассацияга берилган суд қарорларининг 83%и ноқонуний экани маълум бўлди

Процессуал қонунчиликка кўра агар фуқаро бирор бир даъво юзасидан суд чиқарган қарорга норози бўлса ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун адвокат иштирокида айна судга ёки юқори инстанциядаги судга апелляция ва кассация тартибида шикоят қилиши мумкин. Бу барча ҳуқуқ тизимлари учун таълуқли бўлган норма саналади ва қарор чиқаришда биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тўғирлаш имконини беради. Ўзбекистон маҳаллий ОАВ ёзишича, 2000 йилда шикоят қилинган суд қарорларининг деярли ярмида хатолар аниқланиб назорат тартибида тўғирланган бўлса, 2013 йилда суд хатоларининг апелляция ва кассация тартибида тўғирланиши билан боғлиқ ҳолатлар 83%ни ташкил қилган. Бу ҳақда Ўзбекистон Олий Суди раиси Бўритош Мустафоев маълум қилган. Эътиборли томони апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқилаётган ишларнинг гўёки биринчи инстанция судига нисбатан янада адолатлироқ тарзда кўриб чиқилиши ва бунинг ижобий ҳолат сифатида кўрсатилишидир. Ҳар ҳолда Олий Суд раиси Мустафоев назарида шундай.

Бирок, суд хатолари деганда нима тушунилишига аҳамият бериладиган бўлса келтирилган кўрсаткич моҳияти тубдан ўзгаради. Хусусан, юқорида таъкидланган суд хатолари сифатида қонунчиликка кўра — биринчи инстанция суди томонидан ишни кўриб чиқиш вақтида моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши тушунилади. Мазкур нормаларнинг

бузилиши ҳолати эса ўз-ўзидан биринчи инстанция суди чиқарган қарорнинг ноқонунийлигини англатади. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Бўритош Мустафоев таъкидлаётган 2013 йилдаги 83% суд хатоларининг апелляция ва кассация тартибида тўғирланиши, аслида ўтган йили апелляция ва кассация тартибида шикоят қилинган биринчи инстанция судлари қарорларининг 83%и ҳақиқатан ноқонун нормаларига зид деганидир. Бошқа сўз билан айтганда, 2013 йилда шикоят қилинган 100 та қарордан атиги 17 таси қонуний бўлган.

Олий Суд раиси иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишларида озодликдан маҳрум қилиш ўрнига яраштирув имкониятларининг кенгайтирилгани, жиноят учун жазолар тизимидан мол-мулк мусодара қилинишининг жазо чораси сифатида чиқариб ташланишини, 2013 йилда озодликдан маҳрум қилинганлар сони 2000 йилдагига нисбатан икки баробардан ортиқ қисқарганини Ўзбекистондаги олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари доирасида эришилган ижобий ютуқ сифатида баҳолайди. Бирок, таъкидлаш жоизки ҳар қандай жиноят ишида энг муҳими суд қарорининг ёки ҳукмининг қонун нормаларига зид бўлмаслигидир, зеро енгиллаштирувчи ҳолатлар ёки турли хил инсонийлик тамойилларига таълуқли нормаларнинг киритилиши ноқонуний чиқарилган ҳукм моҳиятига унчалик катта таъсир кўрсатмайди.

ЎХХ ахборот бўлими

Тахририятимизга келган мактуб асосида 9-16 июнь кунлари бир жиноят иши тафсилотлари билан боғлиқ саккизта мақола эълон қилинди. Мактуб эгаси жиноят иши остида яширинган қонунбузарликлар ва суриштирув органларининг таъмагирлиги ортидан жиноят ишида аслида гувоҳ бўлган вояга етмаган фарзандининг айбланувчига айланиб қолиши ва 14 йилга ноҳақ озодликдан маҳрум қилиниши ҳақида ёзади. Тахририятимиз ушбу жиноят иши тафсилотларини яқинроқдан ўрганишга ҳаракат қилди ва мактубда ноҳақ қамалганлиги айтилаётган вояга етмаган ўсмир Баҳриддин Абдурахимовнинг оқланиши учун курашаётган унинг отаси Баҳром Абдурахимов билан суҳбат ўтказди.



қайтадан суд терговини бошлаши ва судланувчининг айбдорлигини исботлаб бериши шарт эди. Бу қонун нормаси, ваҳоланки, ->айбсизлик презумпциясига кўра, судланувчига ўз айбсизлигини исботлаш мажбуриятини юклаш мумкин эмас, аксинча унинг айбдорлигини исботлаш давлат айблови-прокурорнинг вазифаси ҳисобланади». Бизнинг шармандакор судларимизда бўлса, ҳаммаси тескариси, вояга етмаган судланувчи ўз айбсизлигини аниқ далил ва мантиқ асосида шунақанги исботлаб берганки, бечора прокурор ва суднинг ақли оғиб қолиши натижасида бирор бир сўз ёки калима айта олмаганлар» — дейди Баҳром Абдуллаев.

Ноҳақ қамалган ўғлининг озодлиги ва оқланиши учун

«ДАДАЖОН, МЕНДАН НОМУС ҚИЛМАНГ, МЕН ОДАМ ЎЛДИРМАГАНМАН...»

Суҳбат давомида Баҳром Абдурахимов бегуноҳ фарзандининг оқланиши учун охиригача курашмоқчи эканини, вояга етмаган бир ўсмирнинг ноҳақ 14 йилга қамалиб кетишига сабабчи бўлган ҳуқуқ-тартибот органлари ва мавжуд суд тизими фаолиятида қонунийлик ва адолат тамойилларининг мутлақо аҳамиятга эга эмаслигини кенг жамоатчиликка етказиш ниятида эканини айтади.

«Мен Абдурахимов Баҳром Равшанович, 1961 йилда туғилганман, олий маълумотли иқтисодчиман, турмуш ўртоғим олий маълумотли провизор-педагог. Мен 1987-2007 йиллар давомида Қашқадарё вилояти ИИБда бухгалтерия-молия бўлимида ишлаб, 2007 йил соғлиғим туфайли пенсияга чиққанман. Бир ўғил, бир қиз фарзандларимга, ота мерос тарбия: — тўғри сўзлик ва киши ҳақида хиёнат қилмаслик ҳақида тарбия берганман, бу баландпарвоз гаплар эмас, асли ҳаётий ҳақиқат, акс ҳолда, оилам бугунги кунда тубанлик қармоғига илинмаган булар эди!...» — дейди Баҳром Абдурахимов.

Нафс балосига қул бўлганлар ёки шайтону-лаин қотиллик суриштирувини олиб борганда !!!...

Шу йилнинг 16 август куни қотиллик жиноятида айбланаётган Баҳриддин Абдурахимовнинг суд музокараси бўлиб ўтди. Суд

музокараси мобайнида ҳақиқатан ҳам вояга етмаган судланувчига, суд раисининг музокарани чеклаш ёки қисқа гапиришни талаб қилишга ҳаққи йўқлиги ва бу Ўзбекистон ЖПК нормаларини жиддий бузилиши ҳисоблангани ҳолда эркин музокарага тўсқинлик қилишга ҳаракат қилганини кўриш мумкин.

«Вояга етмаган ўғлим Баҳриддин ўз музокарасида, давлат айблови умуман асоссиз ва сохта эканлигини изоҳлаб исботлаб берди. Агарда ўғлим ростдан ҳам айбдор бўлганида прокурор ўрнидан туриб кетган, жон жаҳди билан давлат айбловини исботлашга ҳаракат қилган бўлар эди. Аммо прокурор гўё тили лол, гунг ва кар, бирор бир эътироз ҳам билдира олмади», — дейди Баҳром ака.

Шундан сўнг Баҳром Абдуллаев прокурорга эътирознома билан чиққанини таъкидлайди.

«Вояга етмаган судланувчи, ўғлим Баҳриддинжон судга мурожаат этиб, ўзининг айбсизлигини аниқ далил-исбот ва аргументлар билан изоҳлаб, прокурор ва судга қарши саволлар берган бўлсада, аммо на суд на прокурор бирор эътироз ёки қарши далил келтира олмасдан тили лол — тили калимага келмай қолди. Бу ҳам суднинг қанчалик сохта ва ғайриқонуний эканлигини яққол тасдиқлаб турибди. Ҳолбуки, судланувчи ўз кўрсатувини ўзгартирган тақдирда, суд музокарани тўхташиб,



курашаётган Баҳром Абдуллаев ўз мурожаатини қуйидаги сўзлар билан яқунлайди:

«Шу аудио ёзувларни бутун дунё аҳли бир эшитишса эди, Ўзбекистонда янги махлуқлар тури бор эканлигига ҳамма ишонч ҳосил қилишар эдилар, яъни ЭШШАКнинг янги тури, -ХЕЧ НАРСАНИ ЭШИТМАЙДИГАН -қулоқсиз ВА ТУШУНМАЙДИГАН -ҳаттоки эшшақларда ҳам бўладиган мия ҳам бўлмайдиган махлуқларнинг тури кашф этилар эди!... эътирозга берилиб кетганим учун узр сурайман, аммо мен ҳақман!».

ЎХХ ахборот бўлими

Туркия соғлиқни сақлаш вазири Махмат Муаззинўгли ортиқча вазнга қарши кураш тарғиботи доирасида Истанбул Эмирган боғида аҳоли ва оммавий ахборот вакиллари билан учрашди. Махмат Муаззинўгли учрашув асосида 2012 йилда бошланган Анъанавий, қўшимча ва муқобил тиббиёт билан боғлиқ қонунчиликни ишлаб чиқиш ишлари тугатилганлигини маълум қилди.

Шу билан бирга вазир соғлиқни сақлаш соҳасида 2023 йилгача мўлжалланган режалар доирасида олдимиздаги олти ой ичида иккита, уч йил ичида эса 6 та тиббиёт институтлари ташкил қилинишини маълум қилди.

Ташкил қилинадиган учта институтдан бирининг Анъанавий ва муқобил тиббиёт институти бўлишини таъкидлаган Муаззинўгли тиббий ва илмий кенгашларнинг университетлардан, фармацевтика sanoatидан ва тиббий технология фирмаларидан келадиган лойиҳалар учун манба ҳамда олиб бориладиган тадқиқотлар учун лаборатория вазифасини ўташини таъкидлади. Унинг сўзларига кўра институтларнинг марказлари Истанбулда бўлади.

Туркия тиббиёт фанлари университетининг ҳам ташкил қилиниши ҳақида гапирган Муаззинўгли университет шаҳарчасининг Мармара Университетининг Хайдарпошо шаҳарчасида жойлашини маълум қилди.

Туркиядаги илк Анъанавий тиббий Таълим ва Тадқиқот Марказининг асосчиси Фарук Гунинди мавзу борасида қуйидагича маълумот берди:

«Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2002 йилдаги Докладидан сўнг қонунчиликка Анъанавий ва қўшимча тиббиёт билан боғлиқ қўшимчалар киритиш бошланди. 2008 йилда илк маротаба ва ягона мустақил бўлган ННІ Истанбул Табиий Соғлиқ Институти Анъанавий Тиббий Таълими ва Тадқиқотлар Марказини ташкил қилдик.

2009 йилдан бошлаб ҳозирга қадар маҳаллий ва халқаро семпозиумлар ва конференциялар ташкил қилдик. 2012 йили консултант бир ташкилот сифатида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил қилинган Анъанавий ва қўшимча тиббий амалиёт семинарига таклиф



Туркияда Анъанавий тиббиёт институти ташкил қилинади

қилиндик ва қонун ижодкорлиги жараёнига ҳам ўз ҳиссамизни қўшдик.

Амалга ошираётганимиз ишларимиз Туркиядаги Анъанавий тиббиёт амалиёти келажакнинг қанчалик порлоқ эканидан далолат беради. Ҳозирда Туркиядаги 6 та давлат университети ва 2 та вақф университети Анъанавий ва қўшимча тиббий амалиёт соҳасида биз билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Қарорнинг расмий газеталарда чоп қилиниши билан ҳамкорларимиз сонининг янада ортишини тахмин қилмоқдамиз. Бироқ Туркиядаги соғлиқни сақлаш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлган Анъанавий тиббиёт соҳасида малакавий мутахассислар етишмовчилиги мавжуд. Ушбу мавзу борасида тўғри, ҳақиқий ва ўтмишини инкор қилмайдиган стратегиялар тез орада йўлга қўйилмоғи лозим».

Соғлиқни сақлаш вазири Муаззинўгли қарорнинг 2014 йил июнь ойида эълон қилиниши маълум қилди.

Туркияда Анъанавий ва қўшимча тиббий амалиётнинг институтлашиш тарихи қуйидагича:

2008 — ННІ Истанбул Табиий Соғлиқ Институти Анъанавий Тиббий Таълими ва Тадқиқотлар Маркази (Истанбул)

2011 — Отатурк Университети Акупунктура ва қўшимча тиббий усулларини қўллаш ва тадқиқот Маркази (Эрзурум)

2011 — Истанбул Университети Анъанавий дори воситалари Тадқиқот ва Амалиёт Маркази (Истанбул)

2013 — Думлупинар Университети қўшимча тиббий амалиёт ва Тадқиқот Маркази (Кутахя)

2013 — Истанбул Медипол Университети Анъанавий ва қўшимча тиббий амалиёт ва Тадқиқот Маркази (Истанбул)

2013 — Ускудар Университети Анъанавий ва қўшимча тиббий амалиёт ва Тадқиқот Маркази (Истанбул)

2013 — Йилдирим Боязид Университети Анъанавий ва қўшимча тиббий амалиёт ва Тадқиқот Маркази (Анкара)

2014 — Аднан Мендерес Университети Анъанавий ва қўшимча тиббий амалиёт ва Тадқиқот Маркази (Айдин)

2014 — Инўну Университети Анъанавий халқ табobati амалиёти ва Тадқиқот Маркази (Малатя)

2014 — Жумхурият Университети Анъанавий ва қўшимча тиббий амалиёт ва Тадқиқот Маркази (Сивас)

Бундан ташқари,
- Жалол Баяр Университети (Маниса)

- Безмиалем Вақф Университети (Истанбул)

- Фотиҳ Университети (Истанбул) ҳам Анъанавий ва қўшимча тиббий амалиёт соҳасида тадқиқотлар олиб боради

ЎХХ ахборот бўлими



Вояга етмаган Ўзбекистон фуқароларининг МДХ мамлакатларига чиқиш тартиби эълон қилинди

Ўзбекистон маҳаллий ОАВ берган хабарларга кўра Ўзбекистон Республикаси вояга етмаган фуқароларининг МДХ мамлакатларига чиқиш тартиби ҳақидаги муваққат йўриқнома қабул қилинган.

26 июнь куни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг расмий сайтида ушбу йўриқномада белгиланган тартиб ҳақида маълумот эълон қилинди.

Муваққат йўриқномага мувофиқ 18 ёшга етмаган Ўзбекистон фуқароларининг МДХ давлатлари (Россия, Украина, Озарбайжон,

Қозоғистон, Қирғизистон) га чиқишининг куйдаги тартиби белгиланди:

- Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга етмаган фуқароси МДХ давлатларига катталар ҳамроҳлигида чиқиши учун унинг биометрик паспорти бўлиши ва вояга етмаган шахснинг бу

биометрик паспортидаги рухсат берувчи ёзувда катта ёшли кузатиб борувчи кўрсатилган бўлиши керак;

- Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга етмаган фуқароси МДХ давлатларига катталар ҳамроҳлигида чиқиши учун унинг биометрик паспорти ва ота-онаси ёки васийларининг (ҳомийларининг) нотариал тасдиқланган розилиги бўлиши керак. Бунда васийлар (ҳомийлар) биометрик паспорт билан бирга ҳокимнинг васийлик (ҳомийлик) тайинланганлиги ҳақидаги қарорини ҳам тақдим этадилар;

- Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга етмаган фуқароси МДХ давлатларига онаси ҳамроҳлигида чиқиши учун унинг биометрик паспорти ва отасининг нотариал тасдиқланган розилиги бўлиши керак;

Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга етмаган фуқароси МДХ давлатларига отаси ҳамроҳлигида чиқиши учун унинг биометрик паспорти ва онасининг нотариал тасдиқланган розилиги бўлиши керак;

- Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга етмаган фуқароси МДХ давлатларига ҳеч кимнинг кузатувисиз чиқиши учун унинг биометрик паспорти ва ота-онаси ёки васийларининг (ҳомийларининг) «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясига нотариал тасдиқланган розилиги бўлиши керак;

- Ўзбекистон Республикасининг 15 дан 18 ёшгача бўлган фуқароси МДХ давлатларига ҳеч кимнинг кузатувисиз чиқиши учун унинг биометрик паспорти ва ота-онаси ёки васийларининг (ҳомийларининг) вояга етмаган шахснинг мустақил равишда кетиши учун нотариал тасдиқланган розилиги бўлиши керак.

ЎХХ ахборот бўлими

Хитой ҳукумати 380 та уйғурни ҳибсга олди

Хитой ҳукумати охириги бир ой ичида Шинжон ўлкасида 380 та уйғурни ҳибсга олди. Бу ҳақда хабар тарқатган Хитой давлат телеканалларининг маълумотига кўра Пекин «мусулмон айирмачи» деб атаётган уйғурларни мамлакат ғарбидан содир бўлган ҳужумларда иштирок этганликда айблаган.

«32 та террорчилик ячейкалари фош қилинди», — деб ёзади Хитой маҳаллий матбуоти.

Кувғиндаги уйғур ташкилотлари ва ҳуқуқ ҳимоячиларининг эътирофи этишича, Хитой ҳукуматининг этник озчиликка нисбатан олиб бораётган репрессив сиёсати ва ислом меъёрларига риоя қилишнинг чекланиши Шинжон ўлкасида ҳавотирларнинг кучайишига сабаб бўлмоқда. Расмий маълумотларга кўра, ўтган йили минтақада содир бўлган тўқнашувда 200 одам ҳалок бўлган. Кескин ҳарбий чоралар натижа бермаяпти: ўтган ҳафтада

полиция идорасига қилинган ҳужумда 13 одам полициячилар тарафидан отиб ташланганди. Legal Daily расмий нашрининг ёзишича, 315 та уйғур терроризм билан боғлиқ моддаларда айбланган ва улардан камида 13 таси қатл қилинган. Тўқнашув вақтида олтига полиция ходими ўлдирилганди. Тинтув пайтида компьютерлар, китоблар ва DVD-дисклари ҳамда хитой куч ишлар тизимларининг таъкидлашларича, гўеки куруллар ва портловчи моддалар топилган.

Шинжон жамоат хавфсизлиги бўлими бошлиғи Ван Чаньронгнинг журналистларга билдиришича, 20 дан ортиқ ноқонуний таълим масканлари ва машқ лагерларида тинтув ўтказилган.

Пекин бугунги кунда Шиндондаги жамоатчилик фикрини қаттиқ назоратга олган. Расмий ёндашувга зид бўлган ҳар қандай эркин фикр

зудлик билан тўсиб қўйилади ёки фикр эгаси ҳибсга олинади. Пекиндаги Миллатлар Марказий университетининг иқтисодиёт бўйича профессори бўлган 44 ёшли Илҳом Тўхта шу йил январда ҳеч қандай тушунтиришларсиз ўз уйидан олиб кетилганди. Таниқли олим уйғурларнинг ҳуқуқларини талаб қилиши ва ҳимоя қилиши билан кенг танилган эди. Шундан бери Илҳом Тўхтанинг тақдири номаълумлигича қолмоқда. Ўтган ҳафтада унинг адвокати Ли Фанпин профессорнинг аллақачон судланган ва қамоққа ташланган бўлиши мумкинлиги ҳақида маълум қилган эди. Бирок, 23 июнь, душанба куни у хитойнинг WeChat мобил ижтимоий тармоғида Илҳом Тўхта иши эндигина прокуратурага оширилгани ва ундан сўнгина судга юборилиши ҳақида хабар қолдирди.

ЎХХ ахборот бўлими

Сўнги бир неча йил мобайнида Россия демографияси билан боғлиқ хабарлар ижобий тусга эга бўлса-да, бу борада мамлакатда ҳозирга қадар баъзи жиддий муаммолар бор. Уларнинг ичида энг муҳимларидан бири эса асосий меҳнат ресурсларининг қисқариб боришидир.

Шимолий Америка ва Европанинг бошқа ҳар бир давлати сингари Россия ҳам келажакни кўп сонли нафақахўрларни

туфайли ишчи кучининг қисқариб кетишига бўлган умумий тенденция юкори тезликда намоён бўлмоқда.

Россия учун меҳнат ресурсларининг қисқариб бориши келажакда ўн йилларни назарда тутувчи узок истикболдаги эмас, балки бугунги куннинг ўзида содир бўлмоқда.

Қисқа бир муддат учун бу кўпчилик россияликлар



Россия меҳнат ресурслари қисқариб бормоқда

таъминлашга мажбур бўладиган кам сонли ишчилар билан қарши олади.

Бундан қочиб қутилиб бўлмайди: узок муддат давомидаги туғилишнинг пасайиб бориши туфайли ёши катта авлод сони ёш авлод сонига нисбатан кўпчиликни ташкил қилади. Ушбу янги воқелик талабларига жавоб бериш учун эса, нафақа тизими шунга мослаштирилиши (яъни камроқ саҳоватли бўлиш) ва солиқлар оширилиши лозим.

Бу ҳолат турли мамлакатларда бир-биридан кескин фарқ қилади. Демографик ҳолати нисбатан яхшироқ бўлган Қўшма Штатлар вазиятдан минимал ўзгаришлар билан чиқа олади, бироқ умумий ҳолат ўзгаришсиз қолади. Россиянинг эса кам сонли иқтисодий жиҳатдан фаол бўлган аҳоли билан яшаш йўлини топшидан бошқа чораси йўқ.

Муаммо шундаки, 1990 йиллардаги «демографик бўшлиқ»

учун хушxabар ҳисобланади, зеро меҳнат бозоридаги талаб мамлакат тарихининг ҳар қачонги даврига нисбатан юкоридир. Бир неча ҳафта давомида Москвада бўлиб турли хил соҳа вакиллари билан учрашиш имкониятига эга бўлдим. Мени ишчи кучи етишмовчилиги ҳайратга солди — ҳамманинг оғзида шу гап. Бу ҳолат фақат Москвадагина эмас. Ҳаттоки провинциялардаги корхоналар малакали ишчиларни топишга қийналишмоқда. Маошларнинг эса барқарор ўсиб бориши кузатилади, кескин иқтисодий пасайиш кузатилмаса яна ўсишда давом этаверади.

Узок муддатли истикболда янада қизикарли ҳолат юзага келади. Владимир Путиннинг обрўси ўта саҳоватли нафақа сиёсати билан боғлиқ. Россиядаги нафақа ёши — дунёда энг паст қилиб белгиланган нафақа ёшларидан ҳисобланади, нафақа миқдори эса узлуксиз равишда ошиб бормоқда.

Сўнги саккиз йил ичида ҳукумат йирик миқёсдаги ислохотлар ўтказиш ўрнига нафақа тизимидаги ёрикларни пул билан ёпмоқда. Бироқ бу ҳар доимий равишда давом этмайди: қачондир ҳукумат мавжуд тизимни камроқ саҳоватли қиладиган ўзгаришлар қилишига тўғри келади.

Бу сиёсий вазиятни жиддий беқарорлаштириши мумкин. Чунки сафлари ҳамма вақт кенгайиб бораётган кўп сонли нафақахўрлар ўзларига нисбатан қилинадиган алоҳида эътиборга ўрганиб қолишган.

Меҳнат ресурсларининг қисқариб бориши Россия учун фожеага айланиши шарт эмас, бироқ узок муддатли истикболда бу ҳолат иқтисодий ўсишга салбий таъсир қилади.

Ундан ҳам муҳимроғи, ишчи кучи сонининг камайиб нафақахўрлар сонини нг ўсиб бориши ҳукумат учун жиддий сиёсий муаммога айланади.

Россиядаги иқтисодий фаол аҳоли (2000-14)



Путин иқтисодий ўсишдан келган даромадни яхши тақсимлай олади, бироқ хали у тугаб бораётган «пирог»ни тақсимлаш каби ҳолатларга дуч келмаган. Нафақа ислохотлари билан боғлиқ мавзу аслида унчалик қизикарли эмас, бироқ бу соҳадаги ҳолат Россиянинг энг жиддий муаммоларидан бирига айланиши мумкин.

Марк Адоманис,
«Forbes»,
2014 йил, 23 июнь
(инглиз тилидан таржима)

(Давоми: Боши олдинги сонда)



Юсуф алайҳиссаломнинг уй соҳиби билан боши балога киргани

(Юсуф) бу иккисидан кутиладиганига:

“Қирол олдида мен ҳақда гапир (зора у мени зиндондан озод қилса)”, деди. (Лекин) Шайтон ҳожасига айтиладиган гапни унинг ёдидан чиқарди (ва Юсуф) бир неча йил зиндонда қолиб кетди.

(Бир куни) қирол: “Тушимда еттита ориқ сигир, еттита семиз сигирни еяётганини ва еттита яшил бошоқ билан бирга яна қуриган еттита (бошоқ)ни кўрдим. Аъёнларим, агар туш таъбирини билсангиз, бу туш таъбирини айтинг (менга)”, деди. Улар айтди: бу қоришиқ тушлар экан, унинг таъбирини билгувчи эмасмиз.”

(Шунда) ўша иккита махбусдан кутилиб чиққани шунча муддат ўтиб, энди (Юсуфнинг) сўзлари эсига тушиб, деди: “Бу тушнинг таъбирини сизга мен айтаман, фақат мени (зиндонда ётган Юсуфнинг ёнига) юборинглар, деди.

(У Юсуфга деди): “Юсуф, эй ростгўй зот, бизга еттита ориқ сигир еттита семиз сигирни еяётгани ва етти яшил бошоқ билан бирга турган еттита қуриган бошоқ ҳақидаги (туш) таъбирини айтиб бергин. Умид қиламанки, одамларнинг ёнига (тўғри жавобингиз билан) қайтаман...”

(Юсуф) деди: “Сизлар пайдар-пай етти йил (дон) экинлар, кейин олган ҳосилингизни (бузилмаслиги учун) ўриб ўз бошоғида қолдиринглар, фақат ейдиган озуқангизнигина (янчиб) олинглар. Сўнгра ўша (серҳосил етти йил) дан кейин етти йил қаҳатчилик бўлиб, улар асраб қўйилган

ҳосилингизни еб битиражак. Фақат озгина (уруғлик) асраб қўйган донлар қолажак. Сўнгра (қаҳатчилик йилларидан) кейин бир йил келажакки, унда инсонлар ёгингарчилик остида қолажак ва (мевалардан) шароблар тайёрлаб олажажаклар”.

(Сокий қиролга туш таъбирини етказгач) қирол: “Уни менинг олдимга келтиринглар”. Қачонки, (Юсуфнинг ёнига) қирол элчиси келгач, у (Юсуф): “Ҳожангнинг ёнига қайтиб бориб (аввал) ундан ўз қўлларини кесган аёллар нима бўлганини сўра. Албатта, Роббим уларнинг макрини билгувчидир, деди.”

(Шунда қирол аёлларни тўплаб)

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (14).

деди: “Юсуфни йўлдан урмоқчи бўлган вақтингизда нима бўлган эди?”

(Аёллар) айтдилар: “Биз ундан ҳеч ёмонлик сезмаганмиз.”

(Миср) ҳокимининг хотини (Зулайҳо) деди: “Мана энди ҳақиқат тантана қилди, уни мен йўлдан урмоқчи бўлдим. У шубҳасиз ростгой зотлардандир”.

(Юсуф): “Буни мен (шахар ҳокими) йўқлигида хиёнат қилмаганимни ва Аллоҳ ҳеч қачон хоинларнинг ишини ўнгламаслигини билишлари учун (қилдим). Мен ўз нафсимни окламайман. Чунки нафс, агар Роббим раҳм қилмаса, муҳаққак шиддатли ёмонликларга буюргувчидир. Зеро, Роббим ғоятда мағфиратли, меҳрибондир”.

Қирол: “Уни ҳузуримга келтирингиз, ўзимнинг хос кишиларимдан қилиб олай. У (Юсуф) билан суҳбатлашгач, “Сен бугун бизнинг даргоҳимизда мартабали, ишончли кишидирсан”, — деди.

(Юсуф) деди: “Мени шу ернинг хазиналари устига (маъмур) қўйгин. Чунки мен уларни яхши саклашга муқтодир ва тасарруф шаклидан воқифман”. Шундай қилиб, Юсуфни (Миср) еридан ўзи истаган жойдан маскан тутиб, яшайдиган мақомга келтирдик. Бу фазлу марҳаматимизни ўзимиз хоҳлаган кишига насиб этамиз ва гўзал амалар ишлайдиган кишиларнинг ажр-муқофотини зое этмасмиз. Албатта, иймон келтирган ва тақво соҳиблари зотлар учун охиратда ажр-муқофот янада хайрлироқ бўлади.

Юсуфнинг оға-инилари (Мисрда) келишиб, унинг ҳузурига

кирганларида (Юсуф) уларни таниди. Улар эса (Юсуфни) танимади.

Уларнинг ҳожатларини битиргач, (Юсуф) деди: “Ўша ота бир бўлган инингизни ҳузуримга келтиринглар. Ахир, яхши мезбонлик қилиб, (донни) сизларга том ўлчов билан бераётганимни кўрмаяпсизларми? Агар уни ҳузуримга келтирмасангиз, сиз учун бир қадок ҳам нарса йўқ, ёнимга яқинлашмай қояқолинглар”, деди.

Улар (акалари): “Отамиздан уни (биз билан кўшиб юборишни) илтимос қиламиз, ҳар ҳолда, биз шундай қиламиз”, дейишди.

(Юсуф ўзининг тарозибон)

йигитларига буюрди: “Уларнинг (донга айирбош қилиш учун олиб кеган) нарсаларини ҳам юклари орасига солиб қўйинглар. Шояд уйларига қайтиб борганда, у нарсаларни кўриб, яна қайтиб келсалар”.

Улар отасининг ёнига қайтиб келиб, дедилар: “Эй ота, (энди) бизга озик-овқат берилмайдиган бўлди. Фақат биз билан бирга инимизни ҳам юборсанг, озик-овқат ола оламиз. Биз албатта уни муҳофаза қиламиз”.

(Ёкуб) деди: “Уни сизларга ишонайинми? Магарки, бундан аввал унинг биродарини ишонганимдек бўлур. Зотан Аллоҳ энг яхши сақлагувчидир ва меҳрибонларнинг меҳрибонидир”.

Улар олиб келган юкларни очиб кўришганда, (алмаштиришга олиб борган) нарсаларининг ўзларига қайтариб берилганини кўриб: “Эй ота, мана, нарсаларимизни қайтараиб беришибди, яна нима истаймиз”, дейишди.

“(Бизга инимизни кўшиб юборсанг) яна оиламизга озик-овқат келтирардик, инимизни муҳофаза қилиб (бориб келаемиз) ва бир туя юкни ортиқроқ олган бўламиз. Бу сафар олганимиз оз (бизга етмас)”, дедилар.

Ёкуб деди: “Агар бирор кори ҳол рўй бермаган ҳолда, уни (Бунаминни) менга қайтариб олиб келишингиз ҳақида Аллоҳдан васиқа келтирмагунча (Аллоҳ номи билан қасам ичмаганингизча) уни асло сизларга қўшиб юбормайман”.

Ниҳоят отаси (талаб қилган) аҳд-паймонни беришганда, (Ёкуб) “бу айтган гапларингизга Аллоҳ вақил

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

— шохид бўлсин”, — деди.

(Сўнгра уларга) айтди: “Эй ўғилларим, (Мисрга) бир дарвозадан кирманглар, бошқа-бошқа дарвозадан киринглар. Бу сўзим билан Аллоҳнинг бирорта ҳукмини (қазо-балони) сизлардан қайтараолмайман. Ҳукм ёлғиз Аллоҳникидир. Мен фақат Унга таваккул этганман. Барча таваккул этганлар унинг Ўзигагина таваккул этсинлар”.

Улар оталари айтган тарафлардан (Мисрга) киришлари улардан Аллоҳнинг ҳукмини қайтарувчи эмас. (Бу фақат) Ёқубнинг дилидаги (фарзандларига меҳр) эҳтиёжэдики, у бу эҳтиёжни қондирган эди холос. Зотан, у Биз (вахий воситасида) берган таълим ила теран билимга эгадир. Лекин инсонларнинг кўпчилиги билмайди. Улар Юсуфнинг ҳузурига киришганда, у инисини (Бунямнини) кўлидан тортиб, “мен сенинг оғангман. Энди улар (яъни, акаларимиз)нинг қилганликларидан ғамгин бўлма”, деди.

Уларнинг ҳожатларини битиргач, иниси (Бунямнини)нинг юки орасига (сездирмай) бир қадахни солиб кўйди. Сўнгра жарчи “Эй карвон эгалари, сизлар ўғрисизлар!” деб жар солди. Улар жарчилардан

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (14).

“нима йўқолди?” деб сўрашди. (Жарчи айтди: “Қиролнинг қадахни йўқолди. Уни топиб келтирган кишига бир туя юк (мукофотдир). Мен унга вакилман”.

Улар “Аллоҳга қасам-ки, биз ўғри эмасмиз. Ахир бизнинг бу ерга бузғунчилик учун келмаганимизни биласизлар-ку. Биз ўғри эмасмиз.”

“Агар ёлғон сўйлаётган бўлсангиз ўғрининг жазоси нима бўлади, деб сўрашди (жарчилар).”

Улар дейишди: “Унинг жазоси кимнинг юки ичидан топилса, ўша кимса жазоланажак — қул қилинажак. Биз зулм қилган кимсаларни шундай жазолаймиз”.

Бас (Юсуфнинг хизматкори) тинтувни, унинг биродари (Бунямниндан) олдин, унинг акалари идишларидан бошлади. Кейин уни (Юсуфнинг) биродаридан “топиб” олди. Биз Юсуфга Шундай тадбир бидирдик. (Чунки Миср) подшоҳининг динида у биродарини асир қилиб олиб қола омас эди. Магар Аллоҳнинг хоҳиши билан (мазкур тадбир биан олиб қола олди). Биз кимни истасак ўшани

юксак даражаларга кўтарамиз. Ҳар бир илм соҳибининг устида (ундан устунроқ) билимдон бордир.

Улар “агар бу (Бунямнин) ўғирлик қилган бўлса, илгари унинг оғаси (Юсуф) ҳам ўғирлик қилган эди, дедилар. Бас, Юсуф бу гапни ичига олиб, уларга билдирмади. Ва (ўзича) “сизлар энг ёмон — тубан аҳволдасизлар, Аллоҳ сизларнинг тўқиб чиқараётган гапларингизни энг яхши билгувчидир”, деди.

Сўнгра улар дедилар: “Эй улуғ зот, унинг кекса отаси бор. Сен унинг (Бунямнининг) ўрнига бизлардан биттасини олиб қолгин. Зотан биз сенинг гўзал амаллар соҳиби эканингни кўраяпмиз.”

(Юсуф) айтди: “Бизнинг нарсамиз идишидан топилган кимсадан бошқасини олиб қолишдан Аллоҳ сакласин. Акс ҳолда, шубҳасиз, зolimлардан бўлурмиз.” Энди уларнинг умидлари узилганди, (оға-инилар) бир чеккага чиқиб маслаҳат қилишди. Уларнинг тўнғичи деди: “Отамиз устингизда Аллоҳдан васиқа (аҳдингизни) олиб қолганини унутдингизми? Илгари Юсуф хусусуда ҳам шундай қусур ишлаган эндингизлар. Бас, токи отам менга изн бермагунча ёки Аллоҳ фойдамизга ҳукм қилмагунча мана шу ердан асло жилмайман. У зот (Аллоҳ) ҳукм

этгувчиларнинг энг яхшисидир”. Сизлар отамиз олдига қайтиб, айтинглар: “Эй ота, ўғлинг чиндан ҳам ўғрилик қилди. Биз фақат кўрган, билган нарсамиз ҳақида хабар берайпмиз. (Биз) ғайбни ҳам билмас эдик. Биз қайтган шаҳардан ва биз билан бирга кетган карвондан сўраб-суриштиргин. Албатта, биз рост сўйлагувчиларданмиз”, деди.

(Оға-инилар) Ёқуб алайҳиссаломнинг ёнига келиб, шу сўзларни айтишганда у деди: “Йўқ, сизларга нафсингиз бир (ёмон) ишни яхши қилиб кўрсатган. Энди (менинг ишим) гўзал шаклда сабр этмакдир. Шояд, Аллоҳ уларни (йўқолган ўғилларимни) бағримга қайтарса. Албатта У (Аллоҳ) илм ва ҳикмат соҳибидир.”

Кейин улардан юз ўгириб, деди: “Эй бечора Юсуф-а!” ғам-аламдан унинг кўзлари оқарди (Кўр бўлди).

(Ўғиллари): “Аллоҳ номига онт ичамиз-ки, сен рамақижон бўлиб қолгунча ёки биратўла ҳалок бўлгунча Юсуфни еслайверадиган бўлдинг”, дейишди.

У айтди. “Мен ғам ва ташвишдан

ёлғиз Аллоҳга шикоят этиб йиғламоқдаман, мен Аллоҳнинг (марҳаматли экани ҳаққида) сизлар билмайдиган нарсаларни биламан. Эй ўғилларим, боринг, Юсуф ва унинг инисини изланглар ва Аллоҳнинг раҳматидан умидингизни узманглар. Зеро, Аллоҳ раҳматидан фақат кофир қавмгина умидини узар.”

Қачонки (Мисрга етиб келиб, Юсуфнинг) ҳузурига киришганида, улар: “Эй улуғ зот, бизни ва оиламизни очарчилик босди. Бизлар (ҳузурингга) ўтмас матоҳларни олиб келдик. Бизга етарли ўлчовда (озик-овқат) бергин ва бизларга хайр-садақа эт. Аллоҳ шубҳасиз (сендек) лутфкорни мукофотлатиражак”, дейишди.

(Юсуф) деди: “Сизлар (ҳали) ёш-нодон кимсалар эканингизда Юсуф ва инисига нималар қиганингизни эслайсизларми?”

Улар: “Сен Юсуфмисан?” деб сўрашди. “Ҳа, мен Юсуфман, бу эса биродаримдир. Аллоҳ бизга лутф этди! Муҳаққак-ки, ким-ки, Аллоҳдан кўриб, сабру қаноат этса, абатта Аллоҳ гўзал ҳаракат қилган инсонларнинг ажр-мукофотини зое этмас.”

Улар дедилар: “Аллоҳга қасам-ки, Аллоҳ сени биздан устун қилмишдир. Биз эса, шубҳасиз, адашганлардан бўлдик.”

У деди: “Бу кун сизларни айблаш йўқ. Сизни Аллоҳ ёрлақасин. У раҳмдилларнинг энг раҳмдилидир. Сизлар мана шу кўйлагимни олиб бориб, отамнинг юзига ташлангиз, унинг кўзлари очилажак. Кейин барча аҳли-оилангиз билан менинг ёнимга келинглар.” Карвон (Мисрдан) чиқиши биланок, оталари (ҳузурда ўтирган кишиларга) “мен Юсуфнинг бўйларини туймоқдаман, агар мени ақлдан озди демасангизлар”, деди.

(Улар) дедилар: “Аллоҳга қасамки, сен (ҳали ҳам) ўша эски янгиш фикрдасан.” Қачонки, мужда келиб, уни (Юсуфнинг кўйлагини) юзига ташлагач, унинг кўзлари очилди: “Сизларга сизлар билмайдиган нарсаларни — Аллоҳдан биламан демасангизми?” деди у.

Улар дедилар: “Эй ота, (Аллоҳдан) бизнинг гуноҳларимизни мағфират қилишини сўрагин. Албатта, биз айбдорлардан эдик.”

У айтди: “Албатта, Роббимдан сиз учун мағфират тилайман. Зотан, ёлғиз У мағфират қилгувчи ва меҳрибондир.” (100)

(Давоми келгуси сонда)



бўлган Сиань (Чанъань) ва Лоян шаҳарларидан тортиб Марказий Осиё минтақасининг Еттисув (қозоқча Жетису) шаҳригача узанган. Рўйхатга киритилган йўлнинг умумий узунлиги 5 минг километрдан иборат. Бу йўл мил. авв. II асрдан милодий I асргача бўлган даврда шаклланган ва XVI асргача фойдаланилган. Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилиш учун мазкур объект таркибига 33 та элемент киритилган бўлиб, булар империялар

ўзаро алоқаларининг тобора совиб бориши кўпгина ҳолларда биргаликда қўшма лойиҳаларни амалга оширишга йўл бермайди, айниқса, бундай лойиҳа ташаббуслари Қозоғистон ёки Қирғизистон раҳбари томонидан илгари суриладиган бўлса.

Буюк ипак йўли тарихи ва асосий тармоқлари ҳақида қисқача маълумот

Мил. авв. 138 йилда Хитой императори У-Ди Чжан Цянни Ўрта Осиё ерларига жўнатади. Элчи Чжан Цян (мил. авв. 138-126 йилларда) Хитойнинг хуннларга қарши кураши учун иттифоқчи излаб келган эди. Мил. авв. II-I асрларга келиб, Чжан Цян юрган йўлларда Хитойни Ўрта ва ўрбий

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ЮНЕСКОНИНГ УМУМЖАҲОН МЕРОСИ РЎЙХАТИГА КИРИТИЛДИ, АММО...

Буюк ипак йўли Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) томонидан тузилган умумжаҳон мероси рўйхатидан жой олди. Бу ҳақдаги қарор шу йилнинг 22 июнь куни Қатар пойтахти Дохада бўлиб ўтган ЮНЕСКО қошидаги Умумжаҳон мероси кўмитасининг 38-сессияси мажлисида қабул қилинди.

Эътиборли жиҳати, қадимда ва ўрта асрларда Шарқий Осиёни Ўрта ер денгизи билан боғлаган машҳур карвон йўлини ЮНЕСКО Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш бўйича ариза Хитой, Қозоғистон ва Қирғизистон томонидан биргаликда берилган. Мавзу сарлавҳасидаги «аммо» сўзи ҳам айнан мана шу ариза берувчи давлатлар рўйхатида Ўзбекистоннинг йўклиги билан боғлиқ. Кўпчилик Буюк ипак йўли ЮНЕСКО рўйхатига киритилишининг ўзи катта ютуқ ва бунда аризининг ким томонидан берилгани аҳамиятсиз деб ҳисоблаши мумкин. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Хусусан, умумжаҳон мероси сифатида рўйхатга киритилган объект фақатгина Хитой, Қозоғистон ва Қирғизистон ҳудудидан ўтайдиган Чанъань-Тянь-Шань йўлаги бўйича йўналишлар тармоғини ўз ичига олади. «Ипак йўли»нинг кенг тармоқли мазкур ҳудуди Хан и Тан династиялари давридаги Хитой пойтахтлари

ва хонликларнинг пойтахтлари ва сарой мажмуалари, савдо участкалари, будда ибодатхоналари, почта бўлинмалари, алоқа тепаликлари, Буюк Хитой девори ҳудуди, мақбаралар ва диний иморатлардан иборат.

Юқорида таъкидланганидек, Буюк ипак йўли номи остида ЮНЕСКО нинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган объект таркибидаги элементларнинг барчаси Хитой, Қозоғистон ва Қирғизистон ҳудудида жойлашган. Чунки Буюк ипак йўлининг мазкур тармоғи айнан мана шу уч давлатнинг биргаликдаги аризаси асосида Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилди. Рўйхатга киритилган тармоқ ҳақиқий Буюк ипак йўлининг жуда кичик бир қисмини ташкил қилсада эндиликда мазкур тармоқ номи расмий ҳужжатларда Буюк ипак йўли сифатида қайд қилинади.

Буюк ипак йўлининг пайдо бўлиши тарихи ва асосий тармоқлари жўрофиясига назар ташлайдиган бўлсак уларнинг аксарияти ўз даврининг йирик савдо марказлари саналган ва бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида жойлашган шаҳарлар орқали ўтганини кўрамиз.

Шунга қарамадан Ўзбекистон юқоридаги учлик ташаббусига қўшилмади. Чунки, сўнги йилларда Ўзбекистон раҳбари ва ҳукуматининг қўшни давлатлар ҳукуматлари билан

Осиё билан боғлайиган карвон йўли пайдо бўлади. Бу йўл Буюк ипак йўли деб аталиб, умумий узунлиги 12 000 км дан иборат эди. Илк ўрта асрларга келиб, Ипак йўлининг янада ривожланганлигини кузатиш мумкин. Ўз даврида ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлган бу йўлнинг дастлабки тармоғи Хитойдаги Сиань шаҳридан бошланиб, Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё, Эрон, Месопотамия орқали Ўрта Ер денгизигача чўзилган.

Хитойнинг Аноси шаҳрига келиб, Ипак йўли бир неча тармоқларга бўлиниб кетган. Хусусан бир тармоқ Аноси-Хами-Қошғар орқали Қўқонга, ундан эса Тошкентга ўтган. Бу ердан Жиззах ва Самарқанд орқали Бухорога келган йўл Урганч орқали Гурьевга, у ердан Оксарой орқали Қора денгиз бўйларига чиккан. Яна бир тармоқ эса Дунхуан орқали Хўтанга, ундан Лохурга ўтиб кетган. Ундан ташқари Бухорога келиб, бу тармоқ иккига бўлинган. Жанубий йўналиш Бу-хоро-Қарши-Термиз орқали Нишопурга ўтган ва Хирот орқали Ҳиндистонга ўтиб кетган. Нишопурдаги тармоқлардан бири Техрон-Қазвин-Ҳамадон-Боғдод-Палмира йўналиши бўйлаб Ўрта Ер денгизи бўйидаги Тир шаҳригача чўзилган. Умуман олганда Ипак йўлининг жанубий тармоғи Ўзган орқали Ўшга ўтиб, Кува — Марғилон-Қўқон орқали Хўжанд, Самарқанд, Бухорога ўтган.

Замир Малик

Тўдада саф тортиб юриш жонига теккан чумоли ўзини оқсоқлаганга солди-да, секингина четга чиқди. Ўнга бурилди, шоҳ-шаббалар ости билан сарғайиб тўкилган барглари четлаб дўмлиқка чиқди. Бу ердан ҳов узоклар ҳам кафтдек кўзга ташланади. Унга одам

уймаланиб юрган жой қизиқарли туюлди. Ҳа деб уяга буғдой ташиш, сомон ташиш жонига теккани учун бир оз дам олиш баҳонасида фаолиятини ўзгартирмоқчи бўлди. Шунинг учун бошидаги баҳмал дўпписини олиб аввал қашинди. Кейин фикрини жамлашга тушди. Нима қилсин. Борсинми? У ёқларда нима бор экан?!

Ишқилиб омади юришиб кетса яхши. Катгароқ ўлжага эга бўлади. Йўқса куруқ



Сабаби тирикчилик

қайтса... сафдошлари олдида уялиб қолиши ҳеч гап эмас.

У энди каттаяётган қорнини қўлини яктаги тагидан тиқиб қашлади. Яполдош юзларидаги хотиржамлик ўрнини хушёрликка ўхшаш бир кўриниш эгаллади. У яктаги ичидан қўлини қорнига шаппатилаб урди. “Таваккал. Ажабмас йирикроқ бир нарса илашса. Бошлиғи олдида юзи ёруғ бўларди”. Чумоли қайтиши учун белгиларни аниқлаб олдинга қараб ғимирлаб кетди. Инсон ўтирган дастурхон олдида етиб келди. У дастурхонга чиқди. Нон ушоқлари пишган картошка майдалари, ғажиб ташланган суяк, тўмиқ қолдиқлари. Шуларнинг ёнида битта чигитак ари ва битта қовоқ ари чўзилиб ётибди. Иккаласи ҳам ўлдирилган.

Чумоли ари гўшти тўйимли ҳам шифобахшлигини яхши биларди. Шунинг учун “катгароғини олай” деди-да, қовоқ арининг кизғимтир танасига ёпишди. У тишлаб тортиб кўрди. Тана кимирлаб ҳам қўймади. Маҳкамроқ тишлади ва орқа оёқларини пилдиратиб яна ҳаракат қилди. Оғир эди. Яна уринди. Қани энди ўрнидан кимирлатиб бўлса. Ўлжа зил-замбил эди. “Йўқ, буни судраб кетиш қасри, ўрнидан силжитиш ҳам амри маҳолку”.

У бир оз дам олган бўлди. Ўлжа ёнидан айланиб ўтиб, бошқа

тарафидан ҳам тортиб кўрди. Бўлмади. Ҳалиги айтганимиз баҳмал дўпписини қўлга олиб терлаган бошини яна қашиди. У ўзи шунақа. Бирор ишга чора топгиси келса бошини қашиб қолади. Шу билан ақлини жамлаб олади гўё. Яхшиси хаёлланди у. Анави сарик

ёнбошидан қанот остидан нариги тарафга ўтиб қанотни мўлжалга олди. Худди шу ердан қирққани маъқул. Иш осон кўчади. У оғзини очди. Омбирникига ўхшаш эгри, ўткир тишларини ишга солди. Иш осон кўчаверди. Бир зумда дастурхон ипига илашиб қолган ер

рангига ўхшаш тўр қанот қирқилди қолди. Чумоли дарҳол изига қайтиб ҳали тишлаган жойига оғиз солди. Бир тортган эди ари жасади ўрнидан жилди. У энди секин судрай бошлади... Худди шу пайт. Худди шу дақиқа дастурхон ёнида ўтирган бола бирдан дадасига мурожаат қилди:

- Дада! Дада! Қаранг чумоли арини судраб кетаяпти.

Ота ҳали ўзи уриб дастурхонга ёпиштириб қўйгани ари жасадларига

қаради. Қовоқ ари жасади ўрнида турибди. Чигитак арини эса чумоли судраб бораяпти... Кўз олдида киноларда кўргани жанг майдони гавдаланди. Ярадорларни ортқилаб судраган санитарларни эслади. Жанг тўхтаганда ўлганларни кўмганлари кўз олдида ўтди. “Бу чумоли ҳам ари жасадини олиб бориб бирор чуқурга кўмса-я”, хаёлланди у. “Қаерда”- деди яна ўзига ўзи. У ўлжасини уясига олиб кетади. Олиб бориб қирқиб қирқиб тахлаб қўяди. Қиши билан мазза қилиб еб чиқади. Сабаби тирикчилик... Яшашга бўлган мажбурият унинг учун шу... Шундай ҳаракат омили билан яшайди у. У ўликни кўмиш, ярадорга ёрдам бериш туйғусидан маҳрум. Қонуният шундай. Унинг ҳамма ҳаракатлари шу ҳуқумга бўйсундирилган.

Бирдан ўғли яна “Дада! Дада!,- деб қолди. – Қаранг, шунча жойга судраб келди-я. Чумоли бир қаноти қирқилган ари жасадини энди дастурхоннинг у бурчидан судраб борарди. Энди унинг ҳаракатлари тез, аввалгига қараганда шиддатли эди

. – Кўявер,- деди ота боласининг майин сочли бошини силаб.

- Сабаби тирикчилик.

Меҳнати билан болага ўзича завқ бағишлаётган чумоли эса ҳамон ҳаракатда эди.

Манба: [facebook.com/uzjstimoj](https://www.facebook.com/uzjstimoj)
ижтимоий тармоғида олинди

ОАВ: Россиялик профессионал террорчиларга 15 минг доллардан ҳақ тўланмоқда

Ҳозирда Донбасс худудида жанг қилаётган россиялик террорчиларни мувофиқлаштирувчилар ва профессионал снайперлар кунига 15 минг доллардан ҳақ олишмоқда.

Оддий жангариларга эса жанг майдонида ўтказган бир куни учун минг доллар тўланмоқда. Бу ҳақда “Новое время страны” нашри хабар тарқатди, деб ёзади «Украина сегодня: Finanso.net».

Шу тарзда Россия Федерацияси тарафдан Украинанинг шарқий худудларига жанг қилиш мақсадида кириб келаётган профессионал снайперлар ва ёлланган жангариларнинг таъминоти учун кунига 15 минг доллар миқдоридagi маблағ сарфланмоқда.

Айни дамда Украиналик ёлланма жангариларга кунига 400 гривендан ҳақ тўланмоқда. Россия Федерациясидан келаётган ёлланма жангариларни рўйхатга

олиш мудофаа бўлимларида амалга оширилмоқда. Украина контрразведка ходимлари маълумотларига кўра айнан мудофаа бўлимларида жанговар тажрибага эга бўлган собиқ аскарлар ва офицерларга кўшимча пул ишлаш имкониятлари таклиф қилинмоқда. Бундан ташқари, одамлар телефон режимида ҳам террорчилар сафига ёзилишмоқда дейилади хабарда.

Бу борада ҳозирда Украина ташқи ишлар вазири лавозимидаги Павел Климкин Донбасс худудида жанг қилаётган террорчиларнинг бевосита Россия Федерацияси худудидан кириб келаётганини ва уларнинг аксарияти телефон режими орқали рўйхатга ёзилиб террорчилар сафини тўлдиришаётганини таъкидлаганди.

UZBEK.FM



Украинага Озарбайжон газ итказиб берилиши мумкин

Украина TANAP (Транс-Онадўли газ қувири) газ қувири қурилиши лойиҳасини амалга оширишда иштирок этиш имкониятларини ўрганиб чиқмоқда. Бу ҳақда “Укртрансгаз” акциядорлик жамияти бош муҳандиси ўринбосари Олег Михалевич маълум қилди, деб хабар беради ForUm ахборот агентлиги.

“Украина томони Туркия худуди орқали Оврўпа мамлакатларига 10 млрд. кубометр миқдоридagi озарбайжон газ итказиб берилиши режалаштирилаётган TANAP газ қувири қурилиши лойиҳасини амалга оширишда иштирок этиш имкониятларини ўрганиб чиқмоқда”, – деб ёзади “Укртрансгаз” матбуот хизмати.

Михалевичнинг таъкидлашича, TANAP газ қувири қувватини икки баробарга ошириш имкониятини инобатга олган ҳолда Украина ўз худудига газ итказиб бериш мақсадида ушбу имкониятдан фойдаланишдан манфаатдор.

Эслашиб ўтамиз, 16 июндан бошлаб “Газпром” Украинанинг “Нафтогаз” Миллий акциядорлик компанияси учун олдиндан тўлов режимини жорий қилди.

Бундан ташқари, “Газпром” Украинага газ итказиб беришни деярли тўхтатиб қўйди, бироқ “Нафтогаз” Миллий акциядорлик компанияси россия газини Оврўпага транзит қилишда давом этмоқда. Айни дамда Украина газ итказиб бериш бўйича оврўпа компаниялари билан музокаралар олиб бормоқда.

UZBEK.FM

Foreign Policy Ўзбекистонни минтақанинг энг лаёқатсиз давлати деб атади

Американинг Foreign Policy журнали ва The Fund for Peace жамоат ташкилоти дунё давлатларининг лаёқатсизлиги (Failed States Index) бўйича навбатдаги махсус рейтингни эълон қилди.

Унга кўра Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон лаёқатсизлиги энг юқори бўлган давлатлар сирасига киритилди.

Ўнинчи маротаба чоп қилинаётган янги рейтинг натижаларига кўра Ўзбекистон 86,3 балл билан 48 ўринни эгаллаган ва энг лаёқатсиз давлат деб топилган. Ўтган йили мамлакат 44 ўринга лойиқ деб топилган эди.

Тожикистон бир йил ичида ўз ҳолатини бир поғонага яхшилаган. 2013 йилдаги 51 ўринга лойиқ деб топилган бўлса 2014 йилда 55 ўриндан жой олган ва бу йили 84,6 балл тўплаган. Қирғизистон эса янги рейтингда ўз ҳолатини 10 поғонага юксалтирган.

Ўтган йилги 48 ўриндан бу йили 58 ўринга кўтарилган Қирғизистонга жорий йилда 83,9 балл берилган.

Туркманистон эса лаёқатсизлар рейтингда 2013 йилги ҳолатидан етти поғона пасайиб 78,2 балл билан 74 ўринни эгаллади. Шу сабабли ҳам давлат ушбу рейтингда лаёқатсиз эмас, балки шунчаки «беқарор» давлат деб аталди.

Марказий Осиё давлатлари ичида Қозоғистоннинг ҳолати анча юқори бўлиб 68,5 балл билан 111 ўринга лойиқ деб топилган.

Энг тинч ва барқарор давлатлар учлигини бу йил ҳам ўтган йилдаги сингари скандинавия давлатлари бўлган Финляндия (178 ўрин), Швеция (177 ўрин) ва Дания (176 ўрин) эгаллаган.

Мазкур давлатлардан сўнг рўйхатни Норвегия (175 ўрин), Швейцария (174 ўрин), Янги Зеландия (173 ўрин), Исландия (171 ўрин), Ирландия (170 ўрин) ва Австралия (169 ўрин) давом эттиради.

Энг ёмон давлатлар сифатида Жанубий Судан (1), Сомали (2), Марказий Африка Республикаси (3), Конго демократик республикаси (4) ва Судан (5) тан олинган.

УХХ ахборот бўлими

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkin yurt
Муҳаррир: Замир Малик